



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 5 октябрь, шанба

• №79 (11.467)

• Эркин нархда сотилади

## КУВАЙТ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

Аҳмад Абдулло ар-Рабе раҳбарлигидаги Кувейт парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда. Мехмонлар Ўзбекистон Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Борис Бугров билан учрашди.

Сухбат чоғида икки мамлакатнинг парламентлараро ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Кувейтлик мехмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Фаниев билан учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, келгусида белгиланган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари ҳақида фикр алмашди. Ўзбекистон билан Кувейт ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Кувейт парламенти делегациясининг Ўзбекистон молия вазири Мамаризо Нурмурадов билан мулоқотида икки мамлакатнинг молиявий соҳадаги ҳамкорлигини кенгайтириш ҳақида гап борди.

Мехмонлар В. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

(ЎЗА).

## ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ердан фойдаланиш, инфратузилма ва транспорт вазирининг ўринбосари С. Ивamura раҳбарлигидаги делегация аъзолари 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н. Юсупов билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида ҳам

изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Учрашувда бундай ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни делегация аъзолари "Ўзбекистон ҳаво йўллари"

Миллий авиакомпанияси ҳамда "Ўзбектуризм" Миллий компанияси раҳбарияти билан ҳам учрашди. Музокарада ўзаро ҳамкорликнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилindi. (ЎЗА).

## УЧДАН БИР ҲОСИЛ ХИРМОНДА

Уюшқоқлик, оммавий сафарбарликка яна бир зўр берилса, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг қолган қисми ҳам октябрдан кечиктирилмай саранжомлаб олинади.

Вилоят пахтазорларида йғим-терим ишлари айна қизгин паллага кирди. Мавжуд ички имкониятлар пахта теримида жалб этилаётган жойларда кунлик суръат юқори бўлмоқда. Ўнлаб хўжалиқлар ҳар куни йиллик режанинги ўн фоиздан ошириб хомашё топширишга эришмоқда.

Чиноз тумани пахтакорларининг, айниқса, шашти баланд. Улар 3 октябрь куни режанинги 5,26 фоизи миқдорида пахта тайёрлаб, вилоятда энг юқори суръатни таъминладилар. Чинозликлар билан изма-из бораётган Оққўрғон туманида ҳам шу куни 4,74 фоиз миқдорида



СУРАТЛАРДА: пахта теримида пешқадамлар сафида бораётган Янгийўл туманидаги «Ниезбош» ширкат хўжалиги илгор теримчиси Зарима Хўжанова; бош пудратчи Эронбой Хўжанов пудратчилар Қўчан Аҳмедов ва Аҳмад Холмирзаев билан теримни жадаллаштириш тўғрисида маслаҳатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

## Пахта – 2002



юқори навли хомашё тайёрланди. Шунингдек, Бўка ва Ўртачирчиқ туманлари ҳам 4 фоизлик маррага чиқди.

Жойларда машина терими оммавий тус олаётир. Хусусан, Чиноз, Пскент, Оққўрғон туманларида «Кейс» машиналари кунлик-терим суръатига суръат қўша бошлади.

Ўтган куни вилоятда режанинги 3,91 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Мавсум бошидан буён эса, етиштирилган жами ҳосилнинг учдан бир қисми саранжомлаб олинди.

(Давоми 3-бетда).

## Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2002 йил 4 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (фоиз ҳисобида)

Чиноз	5,26	46,68
Янгийўл	3,53	39,58
Оққўрғон	4,74	35,17
Бекобод	3,85	33,28
Юқоричирчиқ	3,80	33,11
Бўка	4,00	30,82
Ўртачирчиқ	4,01	30,52
Пскент	3,09	25,44
Куйичирчиқ	3,00	19,70
Вилоят бўйича	3,91	31,71

## Бугунги сонда:

### ТАНТАНА

Кибрай туманидаги тadbиркорлик касб-хунар коллежида ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди.

2-бет

### ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг Ёнгсен университети шифокорлари Тошкент давлат педиатрия институти клиникасида пластик жаррохлик муолажаларини амалга оширмоқда.

3-бет

## "Вестерн Юнион" фаолиятини

### кенгайтирмоқда

Тошкентдаги "Пойтахт" меҳмонхонасида Бизнес-банк "Вестерн Юнион" халқаро пул ўтказиш тизимининг Ўзбекистон Республикасидаги ягона бевосита агентига айлангани муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Шу вақтгача бизнинг банкмиз "Вестерн Юнион"нинг Москвадаги бўлими субагенти эди, дея таъкидлади Бизнес-банк бошқаруви раиси М. Абдусаматов. Эндиликда тизим ишига оид кўпгина масалаларни бевосита мамлакатимизда ҳал этиш мумкин бўлади.

Янги мақом бошқа банкларни тизим билан ҳамкорликка жалб этиш, Ўзбекистон аҳолиси ҳамда меҳмонлари сифатли ва ўз вақтида пул ўтказиш хизматларидан фойдалана оладиган шахобчалар сонини кўпайтириш имконини беради.

Ҳозир мамлакатимизда 37та "Вестерн Юнион" шахобчаси фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим орқали хорижга тижорат мақсадида пул ўтказиб бўлмайди. У соф ижтимоий хусусиятга эга. Асосан, пул ўтказишлар моддий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

ЎЗА.

## Бугунги сонда:

### ШИФОХОНАДА Бўлишди

Вилоят марказий шифохонасида Қарияларни кадрлаш йилига бағишланган тadbир ўтказилди.

6-бет

### ПУСАН - 2002

Ўзбекистонлик спортчилар кечаги кунгача бўлган маълумотга кўра битта олтин, тўртта кумуш ва олти талон бронза медали билан еттинчи ўринда бормоқда.

8-бет

## AZIZ DO`STLAR!

Республикаимизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна бошланди. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин.

Севимли газетангиз «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га 2003 йил учун обуна бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади — сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

# УСТОЗ — МАЪНАВИЯТ ҚУЁШИ

**Вилоят ҳокимлиги ва ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Қибрай тумани тадбиркорлик касб-хунар коллежида ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Тантанада вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов мамлакатимиз, қолаверса, вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги барча касб-хунар коллежлари ва ўрта мактабларида ёшларга илм бераётган мураббийларни, тадбирда иштирок этаётган уч юздан зиёд ўқитувчиларни касб байрамлари билан қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Сизларни қанча ардоқласак оз. Сизлар ўз касбингизга садоқат билан хизмат қилаётганингиз, ўз ўқувчиларингизни фарзандларингиз каби билиб, илм бериб келаётганларингизнинг ўзи жасорат ва фидойилликдир...

Демократик жамиятни барпо этишда сизнинг хизматингиз беқиёс. Мустақиллик мафқурасини, бой маънавий меросимизни ёш авлод онгига синдириш ҳам асосий бурчингиздир...

Шу куни вилоят кўрик-танловида энг ибратли деб топилган мактабларга пул мукофотлари топширилди. Жумладан, Зангиота туманидаги 42-ўрта мактаб жамоаси таълим-тарбия борасида эришган ютуқлари ва амалга оширган ибратли ишлари учун 500 минг сўм билан тақдирланди.

Шунингдек, Ангрндаги 14-Бекобод шаҳрининг 16-мактаблари ҳам маориф тизимида эришилган ютуқлар учун 400 ва

300 минг сўмлик пул мукофотларини қўлга киритдилар.

Тадбирда шаҳар ва туманлардаги касб-хунар коллежларида фидокорона меҳнат қилаётган, ёш авлодга таълим-тарбия бераётган ўндан зиёд мураббийларга «Ўрта махсус таълим аълочиси» кўкрак нишонлари топширилди.

— Меҳнатинг муносиб баҳоланса, барча қийинчиликларга рози бўлар экансан, — дейди Қибрай тумани тадбиркорлик коллежи ўқитувчиси Дилбар Исоқова. — Менга берилган «Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси» унвони бутун жамоамиз меҳнатига берилган баҳодир. Мураббийларга бўлаётган бу эътибор бизларни янада изланишга ва ёшларга пухта билим беришга ундайверади.

Шу куни халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 30 дан зиёд маорифчилар ҳам «Халқ таълими аълочиси» унвонларига сазовор бўлдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 27 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан биноан бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан куйидагилар бор:**

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**

**Саттаров Хамза** — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 27-мактабнинг география ўқитувчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**

**Расулов Норали** — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудир муовини

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Дарханов Абдували** — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 30-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

**Убайдуллаев Хамра** — Тошкент вилоят педагогика институти «География ва экология асослари» кафедрасининг доценти

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Мусамухамедов Мухаматрахим Ризаматович** — Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейининг математика фани ўқитувчиси

**I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Мўминов Олим Умарович** — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Ергашова Карима Амантурдиевна** — Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Ким Искра Дмитриевна** — Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманидаги ихтисослашган мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Неблиенко Наталья Михайловна** — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 5-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**«Шухрат» медали билан**

**Авезов Уринбай Хаитбаевич** — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 29-мактабнинг чакриққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси

**Боймуродов Тошпўлат** — Тошкент вилояти Пскент туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бувабекова Ибадат Туртаевна** — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Мамадалиев Абдувоҳид**

**Исоқович** — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Махсудова Нартажи Абдужалиловна** — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 4-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Муминова Шахриниса Маликовна** — Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 18-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Нуртаева Салима Каримовна** — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 7-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Тилемисов Онгарбай** — Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 26-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Хайитматова Рамзия Расуловна** — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Юсвалиева Муҳаббат Хикматовна** — Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 20-мактабга таълим муассасасининг тарбиячиси

## Маданий бойлик — умумхалқ мулки

**Мамлакатимизда қадим аجدодларимиздан мерос қолган маданий-маънавий бойлик, қадриятларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг бурчимиз. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кириши тўғрисида»ги Қонуни айти шу мақсадга хизмат қилмоқда.**

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Давлат божхона кўмитаси билан ҳамкорликда маданий бойликларни мамлакатимиздан олиб чиқиш ва олиб киришда бадий экспертиза жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига бағишлаб семинар ўтказди.

Унда соҳа мутахассислари, таниқли санъатшунос-назоратчилар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бадий экспертиза бўлимлари бошлиқлари, музейлар вакиллари иштирок этди.

**О. НОРБЕКОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ИМПОРТДАН АЪЛОРОҚ

**Саноат корхоналаримизда маҳаллий хомашё ва материаллар асосида иқтисодий тизимиз учун зарур бўлган, айти пайтда импорт қилинадиган буюмлар ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган ишлар тобора авж олмақда.**

Ҳозирги вақтда бу масъулиятли вазифани бажаришда эллика яқин ишлаб чиқариш жамоалари қатнашмоқдалар. Уларнинг айримлари яхши натижаларга эришдилар. Айниқса, саноатимизнинг байроқдор корхоналаридан бири ҳисобланган Ўзбекистон металлургия комбинати меҳнат аҳли бу соҳада ҳам намуна бўлмоқда. Корхонада маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиб, бир қатор маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Чунончи, йилнинг ўтган олти ойида 484 миллион сўмлик аргон гази ишлаб чиқарилди ва республикамиздаги ўнлаб буюртмачиларга жўнатилди. Бундан ташқари, диаметри 120 миллиметрли маъдан майдаловчи пўлат золдирлардан 2 миллиард 637 миллион сўмлик тайёрланди. Бу маҳсулотлар ҳам мамлакатимиздаги барча кон ва металлургия саноати корхоналарига етказиб берилди.

Ўз мухбиримиз.

## КЕЧАГИНА ИШ БОШЛАГАНДИ

Янгийўл шаҳридаги «Айтонг» хусусий фирмаси фаолият кўрсатаётганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Унинг жамоаси шу кунгача 50 тонна турли шаклдаги маза-печеньелар тайёрлаб, савдога чиқарди.

Ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар анча харидоргир.

Фирма ходимлари ҳозирланаётган печенье турларини янада кўпайтиришга, уларнинг сифатини оширишга ҳаракат қилишмоқда.

**Зухра ХАЙДАРОВА.**

## Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида

ўтган ҳафтада, 1 та ким ошди, 2 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Ким ошди савдосида Чирчиқ шаҳри ҳудудидаги 1 та, Зангиота тумани ҳудудидаги 8 та, Қибрай тумани ҳудудидаги 2 та ер майдонлари жами 6660,0 минг сўмга сотилди.

Биржа савдосида давлат рақами 38-85 ТШС бўлган, давлатга қарашли «УАЗ-3303» ҳамда давлат рақами 10Т 1688 бўлган «Фольксваген-гольф» давлат рақами 11R 7336 бўлган «ВАЗ-2104» русумли нодавлат автотранспортлари жами 690,0 минг сўмга, Оҳангарон шаҳрида жойлашган кафе биноси 300,0 минг сўмга, Бекобод шаҳрида жойлашган дўкон биноси 6500,0 минг сўмга сотилди.

Ким ошди савдоларида 2002 йил 26 июнда сотилган, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Сурхи мавзесида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган № 3, 4 ер майдонларига ва 2002 йил 5 сентябрда сотилган, Қибрай тумани, «Дўрмон» ширкат ҳўжалигида жойлашган, сатҳи 600 кв.м. бўлган № 20, 23, 30 ер майдонларига нисбатан ким ошди савдоси натижаси бекор қилинди.

# ТЎҚҚИЗ КУН КИФОЯ ҚИЛДИ

Тадбиркорлик, уюшқоқлик, йигим-теримда оммавий сафарбарлик Чиноз туманидаги «Эшонобод» хўжалиги пахтакорларига йиллик режани яна бир бор вилоятда биринчи бўлиб бажариш имкониятини берди



Хўжаликнинг экин майдонлари нотекис, қирликлардан иборат. Сув етказиб бериш масаласида ҳам қийинчиликларга дуч келинади. Шунга қарамай, 362 гектар ерда мўл ва эртаки ҳосил етиштирилди. Тўққиз иш кунда 885 тоннадан зиёд сифатли хом ашё йиғиб-териб олиниб, юқори навларга топширилди. Ҳосилдорлик 27 центнерданга тўғри келди.

— Бу галаба, аввало, хўжалик пахтакорларининг йил давомида омилкорлик билан қилган меҳнатлари самарасидир, — дейди бошқарув раиси Кенбой Қўққўзов. — Чунки улар чигит қадалган кундан бошлаб ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга оширдилар. Таъбир жоиз бўлса, сувнинг ҳар томчисидан тежаб-тергаб фойдаландик. Натижада ҳар бир гўза тупида кўзланган даражада бўлиқ кўсақлар ҳосил қилинди ва улар эрта очилди. Дефолиацияни ҳам қисқа муддатда, сифатли ўтказишимиз теримни оммавий бошлаш имконини берди.

Дарҳақиқат, хўжаликда терим биринчи кунлардан уюшқоқлик билан бошланди. Ҳар кун йиллик шартнома режасининг 10 фоизидан ошириб пахта топширилди. Хўжаликнинг Одил Бойжигитов, Мавлон Ашуралиев, Сапар Бектасов сингари бош пудратчилари биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Зиннан Исоқов, Садибек Исломов, Сапар Савкеев-



дек транспорт тракторининг тажрибали ҳайдовчилари терилган пахтани пешма-пеш қабул пунктига етказиб турдилар. Иш суръатининг кун сайин ортиб боришида «Кейс» терим машиналарининг юқори унум билан ишлатилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни кунларда ҳам хўжаликда терим суръати бўшастирилмаяпти. Терим натижалари ҳар беш кунда яқунланиб, биринчи ўринни эгаллаган теримчиларга 8000 сўмдан пул мукофоти берилаяпти. Механизатор, теримчи, ҳашарчилар учун бепул тушлик ташкил қилинган.

Мавлон Ашуралиев бош пудратчилик қилаётган 34 гектарлик пахта далаларида терим, айниқса, авжида. Гуланда Мархабеева, Рискул Қорабоев, Қурбонгул Темирова кунга 150-160 кило-

## Пахта — 2002



граммдан пахта термоқдалар. «Эшонобод»да биринчи терим давом этмоқда. Гўза тупларида очилаётган бўлиқ кўсақлар ҳали бисёр. Буларни кўриб, раиснинг ҳосилдорликни 36 центнерга етказиш, яна 300 тонна пахта топшириш нияти асосли эканига ишонч ҳосил қилдик.

Шунингдек, тумандаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳам

давлатга пахта сотиш режасини ортиги билан бажарди. Қабул пунктларига биринчи теримнинг ўзидаёқ 870 тоннадан зиёд сифатли хом ашё топширилди. Терим эса давом этмоқда. Хўжалик пудратчилари давлатга яна камида 200 тонна пахта топширишни режалаштирдилар.

**О. МАЙМУРОВ,  
А. РАҲИМОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** «Эшонобод» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Одил Бойжигитов ва пудратчи Сарсен Абдукаримов ҳосил чўғидан мамнун; «Дўстлик» хўжалиги пудратчилари Сайёра Рамизова ҳамда Дариҳа Айдарова 35 центнердан хирмон кўтаришди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## Кутқарувчи

**Илгари хабар берилганидек, Бўстонлик тумани «Чимён» спорт мажмуида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув ва кутқарув хизмати тизими ходимларининг учинчи анъанавий республика мусобақалари бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, республикаимизнинг бошқа вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 124 нафар кутқарувчидан иборат 16 жамоа иштирок этди.

Дастлабки шартга кўра, жамоалар зарарланган бинодан жабрланувчини кутқаришлари керак эди. Вилоятимиз вакили бўлган «Халоскор» қидирувчи ва кутқарувчилар жамоаси аъзолари биринчи шарт талабларини бажариш пайтида қанчалик чаққон ва ҳар қандай вазиятларда тўғри ҳаракат қила олишлари, мавжуд имкониятлардан фойдалана билишларини намойиш этишди. «Халоскор» жамоаси биринчи даврада юқори натижага эришди.

Иккинчи шартда эса, тоғли ҳудудда, чўққидан жабрланувчини олиб тушиш мусобақада қатнашаётган жамоалар олди-га асосий вазифа қилиб қўйилди. Унга кўра, кутқарувчилар 30

метрдан зиёд қоядан жабрланган кишини олиб тушишлари керак эди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқар-

## МАҲОРАТ ВА ЭПЧИЛЛИК КЎРИГИ

маларига қарашли жамоалар, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги «Нажоткор» қидирув гуруҳи ва кутқарув маркази жамоаси шундай шароитда тоғли ҳудудда қанчалик моҳирлик билан ҳаракат қила олишларини намойиш этишди.

Учинчи шарт талаби эса, жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат

бўлиб, унда жамоалар қон кетганда, суюқларга зарар етганда, хушсиз ҳолдаги кишига ва бошқа жароҳатлар вақтида дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатиш маҳоратини намойиш қилишди. Сўнгги шарт бўйича ҳам Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси кутқарувчилари ўзларини юксак тиббий билим ва малакага эга эканликларини кўрсата олдилар.

Мусобақалар натижасига кўра, голиблик Тошкент шаҳрининг қидирувчи ва кутқарувчи жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси ҳамда «Нажоткор» гуруҳи кўлга киритишди. Вилоятимиз вакили «Халоскор» эса, тўртинчи ўринни банд этди.

Уч кун давом этган мусобақаларнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Фолиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
махсус мухбири.**

## ҲАМКОРЛИК

### БОЛАЛАРГА ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК

**Шу кунларда мамлакатимизда Жанубий Кореянинг Ёнгсен унверситети шифокорлари Тошкент давлат педиатрия институти клиникасида пластик жарроҳлик муолажаларини амалга оширмоқда.**

Кейинги пайтларда Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида тиббиёт соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари Ёнгсен унверситети шифокорларини мамлакатимизда амалга ошираётган ишларида ҳам кўриш мумкин. Бундай ҳамкорлик давлатлар ўртасида уч йилдан бери амалга ошириб келинмоқда. Профессор Пак ҳар йили ўзининг махсус гуруҳи билан Ўзбекистонга ташриф буюради. Шу пайтга қадар у 60 нафар ногирон ва нуқсон билан туғилган болаларни операция қилди.

— Илк бор Ўзбекистонга келганимда бу ерда пластик хирургияга муҳтож болалар

сони кўплигининг гувоҳи бўлгандим. Ўтган давр мобайнида Тошкент давлат педиатрия институти клиникаси билан ҳамкорликда нуқсонли болаларни даволаямиз. Шу билан бирга клиника шифокорлари Кореяда пластик жарроҳлик бўйича таълим олиб қайтишиб ўзлари мустақил операциялар ўтказишмоқда.

Кореялик шифокорлар мазкур тадбир давомида махсус интернатлардан танлаб олинган 30 нафар ногирон болаларни пластик операция қилдилар. Бундай хайрли тадбирлар кейинги йилларда ҳам амалга оширилади.

**«Туркистон-пресс».**

### ЎЗБЕКИСТОНЛИК «GRIPS» МАГИСТРЛАРИ

**Ўзбекистонлик ёш мутахассислардан беш киши Япониядаги Сиёсий тадқиқотлар миллий институти («GRIPS»)нинг магистрлик дипломи соҳиби бўлдилар.**

Мазкур институт 1997 йилда Япония таълим вазирлиги тизимидаги Сиёсий фанлар олий мактаби қошида ишбилармон доираларнинг молиявий кўмаги асосида ташкил этилган. Эътиборли томони шундаки, айни пайтда мамлакат ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган «GRIPS» ўз йўналиши бўйича кунчиқар мамлакатда ягона ҳисобланади.

Институт олдидаги асосий вазифалар — келажакда сиё-

сий соҳада фаолият кўрсатишга интилаётган ёшларга таълим бериш, сиёсий мавзудаги илмий тадқиқотлар олиб боришда кўмаклашиш ҳамда долзарб сиёсий ахборотларни тўплаш ва уларни тарқатишдан иборатдир.

Ўзбекистонлик ёш мутахассислар «Ёш раҳбарлар» ва «Ўтиш даври иқтисодиёти» дастурлари бўйича магистрлик дипломига эга бўлишди.

**Беруний АЛИМОВ,  
«Жаҳон» АА, Токио.**

### ЎЗБЕК ТЕАТРИ МИСРДА

**Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри жамоаси Мисрда бўлиб ўтган 14-анъанавий халқаро экспериментал театрлар фестивалида муваффақиятли иштирок этиб қайтди.**

49 мамлакатдан келган театр жамоалари 15 кун мобайнида Қоҳира шаҳридаги маданият саройлари, очик майдонлар ва театрларда 60 га яқин спектакл намойиш этди.

Фестивалда АҚШ, Япония,

Хитой, Германия, Франция, Англия, Италия ҳамда МДХ давлатлари қатори ҳамюртларимиз ҳам жаҳон сахнасида бадий юксак асар намойиш этиб, ўзбек миллий театрининг асл қиёфасини кўрсата олди.

**ЎЗА.**

### АРМСТРОНГ АСАРЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган жаз концертида АҚШлик созандалар ва тошкентлик жаз ижрочилари иштирок этди. Концерт АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда таълим ва маданият масалалари бўйича АҚШ давлат департаменти бюроси томонидан ташкил этилди.**

— Мақсад — жаз воситасида турли маданиятларни яқинлаштириш, Америка жазининг ўзига хос жиҳатларини намойиш этишдан иборат, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст концертда сўзга чиқиб.

Концерт буюк жаз созандаси Луи Армстронг ижодидаги бағишланди. Унда АҚШлик мусиқачилар, трубоча ва бас-такор Эдди Аллен, контра-

басчи Марк Петерсонлар иштирок этишди. Концертда, шунингдек, ўзбекистонлик жаз ижрочилари — пианиночилар Владимир Сафаров, Гочи Сирадзе ва зарбчи Вячеслав Сафаров қатнашди.

Концертда Луи Армстронг ижодида дахлдор жаз асарлари янгради. Консерватория фойесидида «Луи Армстронг: жаз қироли» плакатлар кўргазмаси ташкил этилди.

**«Туркистон-пресс».**

## Dushanba

7

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.45, ТВ маркет.  
8.50 «Ўзбектефильм» намойиши: «Музыка оҳанглари».  
9.05 «Камалат». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Умр мазмуни».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар  
10.05 «Бошқача ҳаёт». Бадий фильм.  
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.  
**«Болалар сайёраси»:**  
12.05 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
13.05 Эстрада тароналари.

13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 Осиё ўйинлари кундалиги.  
14.25 «Сихат-саломатлик».  
14.45 «Олтин дала».  
Пахтакорлар учун дам олиш дастури.  
15.20 Кундузги сеанс: «Мерос». Телесериал.  
16.35 «Ифтихор».  
17.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
17.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.  
18.10 «Оламини асранг!»  
18.30 «Мулк».  
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.  
19.15 Бир жуфт кўшиқ.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Ёлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.  
21.30 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».  
21.55 «Спорт, спорт, спорт».  
22.05 «Қирмизи атиргул». Бадий фильм.  
23.15 «Ахборот-дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
10.25 Саломатлик сирлари.  
10.45 Муслиқий лаҳзалар.  
10.55 ТВ-анонс.  
11.00 «Давр» ҳафта ичида.  
11.30 «Доктор Финли». Телесериал.  
12.20 Давр-news.  
12.35 Қарияларни кадрлаш йили «Қадрият».

12.55 Болалар экрани: «Рикки-Тики-Тави».  
14.10 Кўҳна оҳанглари.  
14.20 ТВ-анонс.  
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
15.15 Автосалтанат.  
15.30 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
15.55 «Чекиш-соғлиққа зарар». Телефильм.  
16.05 «Уч плюс икки». Бадий фильм.  
17.25 Кўрсатувлар дастури.  
17.30 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.  
17.55 Мультфильм.  
18.05 ТВ-анонс.  
18.10 Тафаккур ёлқинлари.  
18.25 Спорт ҳафтанома.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглари.  
19.50 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши

бўйича IV ҳаҳон чемпионати.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Севги тароналари.  
20.50, 21.25, 22.35 Ёлонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида-23.55 Давр.  
1.00 -1.05 Хайрли тун!

Жорж». 48-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».  
19.30 «Спорт ва болалар».  
19.45 Муслиқий танаффус.  
20.30 ТТВада сериал: «Азизим Изабелла».  
21.30 «Аво-news».  
22.35 Кинонигоҳ. «Майда фирибгарлар».  
23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

Биринчи канал 6.30 - 8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Мультфильм».  
17.05 «Евроњњњ» янгликлари.  
17.15 «Ўз-ўзига режиссёр».  
18.00 «Мени кутгил».  
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»  
20.00 «Время».  
20.35 «Каменская». Сериал.

21.25 «Ҳинд оҳанглари».  
21.35 «Муҳаббат даври». Сериал.  
22.30 А. Зацепиннинг юбилей концерти.  
00.05 «Ахборот» (рус тилида)  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

**16.55 гача профилактика ишлари.**  
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «Кўрсичқон 2». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Муслиқий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Шайтон томондан гаровга олинганлар». Детектив. 21.05 «Клип-совға». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Фаришталар бу ерда яшамайдилар». Триллер. 23.15 «30-канал» да спорт.

## Seshanba

8

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектефильм» намойиши: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб», «Қалб садолари».  
9.25 «Соғлом она - соғлом бола».  
9.45 «Рангин дунё».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Бувам, Клиан ва мен». Бадий фильм.  
11.40 «Осори-атиқаларимиз».  
12.05 «Париси бор уй».  
12.25 «Спорт, спорт, спорт».  
12.35 «Муножот» ансамблининг концерти.  
13.00 «Оталар сўзи -

ақлнинг кўзи».  
14.10 «Сийёсат оламида».  
14.30 «Талабалик йилларим».  
14.50 Кундузги сеанс: «Мерос». Телесериал.  
**«Болалар сайёраси»:**  
16.30 «Мен ва онам».  
Халқаро танлов. 2-кўрсатув.  
16.45 ТВ клип.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орзуси».  
18.30 «Инсон ва қонун».  
18.50 «Куйла, ёшлугим».  
19.05 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».

21.05 «Кўшигимиз сизга армуғон».  
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.05 «Таянч нуқтаси».  
**«Спорт» дастури:**  
22.30 1. «Спорт, спорт, спорт». 2. Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.  
23.20 «Ахборот-дайжест».  
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.  
9.45 Бизнес-академия.  
10.00 Муслиқий лаҳзалар.  
10.15 ТВ-анонс.  
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.50 Ватан манзаралари.  
11.10 Ҳаҳон жуғрофияси.  
12.05 Ёшлар овози.  
12.20 «Доктор Финли». Телесериал.

13.10 Белида белбоғи борлар. Ўзбек кураши бўйича IV ҳаҳон чемпионати.  
13.30 Интерфутбол.  
15.10 Кўҳна оҳанглари.  
15.20 ТВ-анонс.  
15.25 «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи». Бадий фильм.  
16.45 Жар ёқасида.  
17.00 Кўрсатувлар дастури.  
17.05 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
17.25 «Мультғомоша».  
17.40 ТВ-анонс.  
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
18.00 Фазал соғинчи.  
18.20 Автопатрул.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглари.  
19.50 Давр-интервью.  
20.05 Марди майдон.  
20.25 Ёшлик наволари.  
20.45, 21.20, 22.35 Ёлонлар

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.25 Ёшлар овози.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».  
23.35 Давр.  
23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
00.15 - 00.20 Хайрли тун!

**«Тошкент» телеканал**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВада сериал: «Гросс поинт». 2-қисм.  
17.45, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 49-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Химоя».  
19.50 Умтўз наволар.  
20.30 ТТВада сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Туризм ҳақида».  
22.45 Кинонигоҳ. «Плезант-виль».  
00.25 00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

Биринчи канал 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Топ мюзик».  
17.05 «Евроњњњ» янгликлари.  
17.15 «Оилавий ришталар» Сериал.  
18.05 «Аралаш».  
18.15 «Сўнги қаҳрамон-2».  
20.00 «Время».  
20.35 «Каменская». Сериал.  
21.25 «Нигоҳ».  
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.  
22.35 FCN Ўзбекистон янгликлари (инглиз тилида)  
22.45 Кинематограф. «Оқим». Бадий фильм.  
00.20 «Ахборот» (рус тилида)  
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Жанговор санъат олами» спорт кўрсатуви. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.05 «Ақлга сиғмайдиган кун ёки Фигаронинг уйланиши». 1-серия. 13.25 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал. «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Телесериал. 15.50 «30-канал» да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «Кўрсичқон 2». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Муслиқий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Овчи». Жангари фильм. 20.35 «Sifat Belgisi». 21.05 «Клип-совға». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ҳақиқий жодугарлик». Комедия. 23.15 Рестлинг титанлари.

## Chorshanba

9

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 -8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектефильм» намойиши: «Афросиёб», «Водил».  
9.20 «Соз сеҳри».  
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Қирол Лир». Бадий фильм. 1-қисм.  
11.35 «Чегарачи».  
11.55 ТВ анонс.  
12.05 «Баркамол авлод орзуси».  
12.25 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.  
13.05 «Феруз» фольклор-

этнографик ансамблининг концерти.  
13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Остонаси тиллодан».  
14.30 Кундузги сеанс: «Мерос». Телесериал.  
16.10 «Спорт, спорт, спорт».  
16.20 «Ягона оилада».  
16.50 Муслиқий танаффус.  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болаликнинг мовий осмони».  
18.10 Мумтоз наволар.  
18.30 «Умид». Телелотерея.  
19.00 «Мулк».  
19.15 «Бир жуфт кўшиқ».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз».

21.20 Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
21.50 «Санъат дўстлиқка чорлайди». М. Раззоқова.  
22.20 «Тарих кўзгуси». Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. 1-қисм.  
**«Спорт» дастури:**  
22.40 1. «Спорт, спорт, спорт». 2.Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.  
23.30 «Ахборот-дайжест».  
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
9.35 Давр-интервью.  
9.50 Муслиқий лаҳзалар.  
10.00 ТВ-анонс.  
10.05 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
10.50 Болалар экрани: «Мағли». Мультфильм.

12.25 Ёшлар овози.  
12.45 «Доктор Финли». Телесериал.  
13.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
14.15 Кўҳна оҳанглари.  
14.30 ТВ-анонс.  
14.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
15.25 Фазал соғинчи.  
15.45 «Муҳаббат риштаси». Бадий фильм. 1-қисм.  
16.55 Кўрсатувлар дастури.  
17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик».  
17.30 Болажон.  
17.45 ТВ-анонс.  
17.50 Ракурс.  
18.10 Чемпион сирлари.  
18.30 Каталог.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Кўҳна оҳанглари.  
19.45 Далил ва шарҳ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.25 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.45, 21.20, 22.35 Ёлонлар

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида-23.55 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!

**«Тошкент» телеканал**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВада сериал: «Гросс поинт». 3-қисм.  
17.45, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 «Муслиқий меҳмонхона».  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Аёл қалби».  
19.35 «Ҳамшаҳарлар».  
20.30 ТТВада сериал: «Азизим Изабелла».  
21.30 «ТВ плюс».  
22.45 Кинонигоҳ. «Вед-вейн

бекати».  
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

Биринчи канал 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Мультсеанс».  
17.05 «Евроњњњ» янгликлари.  
17.15 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
17.45 «Аралаш».  
18.00 «Оилавий ришталар» Сериал.  
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.  
20.00 «Время».  
20.35 «Каменская». Сериал.  
21.25 «Вақт хазиначидан».  
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.  
22.35 Кинематограф. «Олтин ўргимчак». Бадий фильм.  
00.10 «Ахборот» (рус тилида)  
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Ақлга сиғмайдиган кун ёки Фигаронинг уйланиши». 2-серия. 13.25 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал. «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Телесериал. 15.50 «30-канал» да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «Кўрсичқон 2». Сериал. 18.55 «Ошиқона». Муслиқий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Қаҳрамон - ёлғиз аёл». Жангари фильм. 21.05 «Клип-совға». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Сўнги шубҳали киши». Триллер. 23.15 Спорт дастури.

## Pavshanba

10

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**«Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болаликнинг мовий осмони».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Қирол Лир». Бадий фильм. 2-қисм.  
11.25 «Йиллар ва йўллар».  
11.45 Муслиқий танаффус.  
12.05 «Озода бўлса шахринг».  
12.20 Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.  
13.00 «Санъат дўстлиқка чорлайди». М. Раззоқова.

13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Спорт, спорт, спорт».  
14.20 «Тарих кўзгуси». 1-қисм.  
14.40 Кундузги сеанс: «Бирни кўриб шуқур қил». Бадий фильм.  
16.25 ТВ клип.  
16.35 «Депутат».  
**«Болалар сайёраси»:**  
16.55 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Болалар ва катталар».  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Яши ният». Телелотерея.

19.05 «Соғлом она - соғлом бола».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Телемулқот: Истеъмолчилар ҳуқуқи.  
21.40 ТВ клип.  
21.50 «Тарих кўзгуси». Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. 2-қисм.

**«Спорт» дастури:**  
22.10 1. «Спорт, спорт, спорт». 2.Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.  
23.00 «Ахборот-дайжест».  
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик».  
9.45 «Мультғомоша».

10.00 Болажон.  
10.15 Муслиқий лаҳзалар.  
10.25 ТВ-анонс.  
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.  
11.00 Спорт-китъаси (рус тилида)  
11.30 Чемпион сирлари (рус тилида)  
11.50 Ракурс.  
12.10 «Доктор Финли». Телесериал.  
13.00 Ёшлар овози.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Кўҳна оҳанглари.  
15.10 ТВ-анонс.  
15.15 «Ҳақиқат чегараси».

Сериал.  
15.40 Далил ва шарҳ.  
15.55 «Муҳаббат риштаси». Бадий фильм. 2-қисм.  
17.15 Кўрсатувлар дастури.  
17.20 «Янги авлод» студияси: «Имкон».  
17.50 Ўйна, болажон, ўйна.  
18.05 ТВ-анонс.  
18.10 Огоҳ.  
18.25 Табобат оламида.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.55 Давр-интервью.  
20.10 Мезон.  
20.30 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Интерфутбол» Танаффус пайтида-23.55 Давр.  
1.00- 1.05 Хайрли тун.

**«Тошкент» телеканал**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт», 4-қисм.  
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 Болажонлар экрани

«Шарки ва Жорж». 50-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Навнорол».  
19.25 «Ёшлар худуди».  
19.50 ТТВда мусика.  
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».  
21.30 «Умр йўлдоши».  
22.45 Кинонигоҳ, «Бевафолар».  
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

Биринчи канал 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Венециядаги карнавал». Телефильм.  
17.05 «Евроныос» янгиликлари.  
17.15 «Биз ангойи эмасмиз». Хажвий кўрсатув.  
17.45 «Аралаш».  
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.

19.00 «Замф бўғин».  
Телеуйин.  
20.00 «Время».  
20.35 «Каменская». Сериал.  
21.25 «Соккер клуб».  
21.40 «Муҳаббат даври». Сериал.  
22.35 «Форт Боярд».  
23.20 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)  
23.30 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги. Бадий фильм.  
1.10 «Ахборот» (рус тилида)  
1.45 «Тунингиз оуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Аёллар ва итларда жохиллик тарбияси». Мелодрама. 13.25 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эхти-

рослари». Телесериал. 15.50 «30-канал» да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «Кўрсичкон-2». Сериал. 18.55 «Ошикона». Мусиқий дастур. 19.10 «30-канал» кинооқшоми: «Эндхауз жумбоги». Детектив. 21.05 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кучкудрат чегарасида». Жангари фильм. 23.15 Спорт дастури.

**JUMA**

**11**

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**«Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Болалар ва катталар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Табор кўкка интилади». Бадий фильм.  
11.35 «Ўзалинг намойиш қил». Экранда - Бухоро вилояти.  
12.05 «Мехр қолур».  
12.20 Теннис буйича «Челленжер» халқаро турнири.  
13.00 «Олам». Телеальманах.  
13.20 «Етти гўзал» рақс ансамблининг концерти.

14.10 «Спорт, спорт, спорт».  
14.20 «Тарих кўзгуси». 2-қисм.  
14.40 Кундузги сеанс: «Энг жозибали ва латофатли». Бадий фильм.  
16.00 «Фарзанд - умид юлдузи».  
16.20 «Мусиқий танаффус».  
**«Болалар сайёраси»:**  
16.35 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Кўшигим - жон кўшигим».  
17.40 «Нурли манзиллар».  
18.10 «Тиббиёт одимлари».  
18.25 «Истеъдод».  
18.45 «Тафсилот».  
19.05 «Хидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Бир жуфт кўшиқ.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Сийёсат оламида».

21.25 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
21.55 ТВ клип.  
22.05 «Тарих кўзгуси». Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. 3-қисм.  
**«Спорт» дастури:**  
22.25 1. «Спорт, спорт, спорт». 2. Теннис буйича «Челленжер» халқаро турнири.  
23.15 «Ахборот - дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

**«Спорт» дастури:**  
22.25 1. «Спорт, спорт, спорт». 2. Теннис буйича «Челленжер» халқаро турнири.  
23.15 «Ахборот - дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Имкон».  
9.45 «Уйна, болажон, уйна».  
10.00 Давр-интервью.  
10.15 Мусиқий лаҳзалар.  
10.25 ТВ-анонс.  
10.30 «Эмеральда».  
Телесериал.  
11.00 Мезон.  
11.20 «Учинчи сайёра»

маърифий дастури.  
12.10 Ёшлар овози.  
12.30 «Доктор Финли». Телесериал.  
13.20 Кўҳна оҳанглар.  
13.30 Интерфутбол.  
15.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
16.00 ТВ-анонс.  
16.05 «Интеграл». Бадий фильм.  
17.15 Кўрсатувлар дастури.  
17.20 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»  
17.40 Автосалтанат.  
17.55 Кўли гул уста.  
18.15 ТВ-анонс.  
18.20 Ёшлар овози.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 «Давр» нигоҳи.  
19.55 Азизим.  
20.35 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Аскар мактублари.  
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.  
00.10 Давр.  
00.25 «Хўшқад чегараси». Сериал.  
00.50 - 00.55 Хайрли тун!

**«Тошкент» телеканал**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт», 5-қисм.  
17.45, 19.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 Болажонлар экрани.  
«Шарки ва Жорж». 51-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Камолот фасли».  
19.35 «Саодат қалити».  
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».  
21.30 «Саломатлик маскани».  
22.30 «Кинонигоҳ».  
«Занжир».

**30-канал**

23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
Биринчи канал 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Дисней клуб».  
17.05 «Евроныос» янгиликлари.  
17.15 «Инсон ва крүн».  
17.45 «Аралаш».  
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.50 «Мўъжизалар майдони».  
20.00 «Время».  
20.40 «Дурдаршан».  
21.05 «Экспресс».  
21.25 «Мен 25 ёшдаман».  
Николай Басковнинг концерт дастури.  
23.30 Кинонинг олтин асри: «Нозик нозил малкам». 2-қисм. Бадий фильм.  
00.40 «Ахборот» (рус тилида)  
1.15 «Тунингиз оуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Сўхбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Аёллар ва итларда жохиллик тарбияси». Мелодрама. 13.25 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Телесериал. 15.50 «30-канал» да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «Кўрсичкон 2». Сериал. 18.55 «Ошикона». мусиқий дастур. 19.10 «30-канал» да ринг юлдузлари. 20.00 Елена Степаненко шоуси. 21.05 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Қасос олиш». Жангари фильм. 23.15 Спорт дастури.

**SHANBA**

**12**

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**«Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Кўшигим - жон кўшигим».  
10.00 «Мусика бўстони».  
10.20 «Хидоят сари».  
10.40 «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». Мультфильм. 1-қисм.  
11.55 «Озод юрт одамлари».  
12.15 «Спорт, спорт, спорт».  
12.25 «Авлодлар соғинчи».  
12.45 Болалар учун. «Мактублар - кабуларлар».  
13.05 ТВ-1 кинотеатри: «Рух». Бадий фильм. 1-қисм.  
14.05 Мусиқий танаффус.  
14.15 «Маърифат». Телеальманах.

14.35 «Рух». Бадий фильм. 2-қисм.  
**«Адабий жараён»:**  
15.35 1. «Езувчи ва замон». 2. Бир актёр театри.  
16.20 «Ягона оилада».  
16.50 «Яшил чироқ». Телемусобақа.  
17.20 «Рангин дунё».  
17.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
**«Болалар сайёраси»:**  
18.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.  
19.00 «Ўзбекистон - Ватаним маним».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.  
21.45 «Спорт, спорт, спорт».  
22.00 Телевизион миниатюралар театри.

**«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:**

22.20 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Бадий фильм.  
23.30 «Ахборот-дайжест».  
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 Давр тонги.  
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»  
9.20 «Оқ буталоқ». Мультфильм.  
9.35 Табобат оламида.  
9.55 Мусиқий лаҳзалар.  
10.05 ТВ-анонс.  
10.10 «Эмеральда».  
Телесериал.  
10.40 «Давр» нигоҳи.  
11.00 Ёшлар овози.  
11.20 Ринг қироллари.  
12.20 Огоҳ.  
12.35 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.  
12.55 Купилмаган меҳмон.  
13.15 ТВ-анонс.  
13.20 «Экспедиция». Хужжатли сериал.  
14.10 Кўшқулоқ.  
14.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

15.05 Синфдош.  
15.25 «Футболимиз келажаги». Республика маҳалла болалари футбол турнири.  
15.55 Хўқуқ ва бурч.  
16.20 Кўҳна оҳанглар.  
16.35 «Рамаёна». Телесериал.  
17.10 Кўрсатувлар дастури.  
17.15 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».  
17.35 «Инхиқ Мурод». Мультфильм.  
17.45 ТВ-анонс.  
17.50 Футбол плюс.  
18.10 Мозийдан келажакка.  
18.30 Каталог.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 «Давр»-репортаж.  
20.00 Бизнес-академия.  
20.15 Охнараба.  
20.45 Ёшлик наволари.  
21.00, 21.45, 22.35 Эълонлар  
21.05 «Қалбим чечаги». Телесериал. 1-қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 Тунги тароналар.  
22.55 Кинотақдим.  
23.15 «Қочоқ». Бадий

**«Тошкент» телеканал**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мульчархалак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.10, 19.40, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.  
18.30 «Афшара».  
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».  
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)  
19.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».  
20.00 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
20.40 «Эътиқод».  
20.55 «Эхтиром ила».  
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.  
21.20 «Хушнуд дамлар». Мусиқий дам олиш дастури (Янги йул тумани).  
22.10 Кинонигоҳ, «Эхтирос еллари». 1-қисм.  
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусика».  
9.10 «Лаззат».  
9.30 «Табиаатунос билан

саёҳат».  
10.00 «Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси».  
10.40 «CFI янгиликлари».  
10.50 «Мультсеанс».  
11.20 «Олгин микрофон». Мусиқий дастур.  
11.50 «Т. Полонская билан бирга».  
12.15 «Ишбилармон кишилар».  
12.35-13.35 Дўстлик видеоканали: «Сахий хонадонда», «Бизнен мирас», «Умид».  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 Роберт де Ниро «Полициячилар» фильмида.  
18.55 «Сўнги қахрамон-2».  
«Оқ ва қора».  
20.00 «Время».  
20.30 «Нима? Қерда? Қачон?»  
**ТУНГИ КАНАЛ: «ХАЛИ КЕЧ ЭМАС...»**  
21.50 «Шлягер».  
22.05 «Моданинг гўзал дунёси».  
22.20 «Хит парад».  
22.35 «Яшаш воситаси».  
22.50 «Юлдуз билан учрашув».  
23.05 «Тунги навбатчилик».  
23.20 «Муз зона».  
23.35 «Икки ёклама зарба».  
23.50 «Ахборот» (рус

**30-канал**

тилида)  
00.25 Киносеанс: «Тубсизлик». Бадий фильм.  
2.35 «Тунингиз оуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. «Споарт Литтл». 11.30 «Филимонов ва компания». Юмор кўрсатуву. 12.00 Оилавий кино. «Уй қамоғи». Комедия. 13.40 Хужжатли фильм. 14.30 Хинд киноси: «Салма ва Салим». 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Икки ёклама портлаш». Комик жангари фильм. 19.45 «Ошикона». Мусиқий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.20 «Sifat Belgisi». 20.30 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.05 «Профессионал хужжатлар». Детектив сериал. 22.00 «30-канал» кинооқшоми: «Донна Браско - чакимчи». Жангари фильм. 23.30 Мадонна. Мусиқий дастур.

**YAKSHANBA**

**13**

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.15 «Фаройибот».  
9.35 Телевизион миниатюралар театри.  
9.55, 17.00 ТВ анонс.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20 «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». Мультфильм. 2-қисм.  
12.35 «Хамшира-2002».  
13.15 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.  
14.15 ТВ-1 кинотеатри: «Бокиралик асри». Бадий фильм. 1-қисм.  
15.30 «Қалб гавҳари».  
15.50 «Бокиралик асри». Бадий фильм. 2-қисм.  
16.40 «Портретга

чизгилар».  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.05 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
18.05 «Талабалик йилларим».  
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».  
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.  
19.15 Бир жуфт кўшиқ.  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар  
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)  
20.05 Эстрада тароналари.  
20.30 «Таҳлилнома».  
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Ўзбекистон халқ артисти К. Раҳимов.  
21.55 «Спорт, спорт, спорт».  
**«Якшанба кинозал»:**  
22.05 «Кинотеатр».  
22.25 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштла-

ри». Бадий фильм.  
23.40 -23.45 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 Давр тонги.  
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».  
9.20 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм.  
9.35 ТВ-анонс.  
9.40 Футбол плюс.  
10.00 «Давр»-репортаж.  
10.10 Очил дастурхон.  
10.25 Мусиқий лаҳзалар.  
10.35 Зинама-зина.  
11.05 Нокаут.  
11.30 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.  
12.10 «Аждарҳо юраги». Бадий фильм.  
13.55 ТВ-анонс.  
14.00 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.  
14.20 Чемпион сирлари.  
14.40 Қишлоқдаги тенгдошим.

15.00 Азизим.  
15.35 Спорт хафтаномаси.  
15.50 Кўҳна оҳанглар.  
16.05 «Рамаёна». Телесериал.  
16.40 Кўрсатувлар дастури.  
16.45 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».  
17.05 «Мульттомоша».  
17.20 ТВ-анонс.  
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
18.15 Очун.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр»-news.  
19.15 Кўҳна оҳанглар.  
19.25 Оила тилсими.  
19.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.  
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар  
20.10 «Қалбим чечаги». Телесериал. 2-қисм.  
21.00 Заковат.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр ҳафта ичида».  
22.35 ТВ-анонс.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 «Қочоқ-2». Бадий фильм.  
1.00-1.05 Хайрли тун!

**«Тошкент» телеканал**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».  
19.00, 20.30, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Жаҳон географияси».  
19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
20.50 «Телефакт».  
21.00 «Ташриф».  
21.20 «Мисли гавҳар».  
21.55 «Спорт-клуб».  
22.15 Кинонигоҳ, «Эхтирос еллари». 2-қисм.  
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусика».  
9.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари».  
9.30 «Хамма уйдалигида».  
10.05 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури.  
11.05 «Болалар соати».  
«Жуманжи». Бадий фильм.  
12.55 «Парле ву франсе?»

13.20 «Инглиз тили Сиз учун».  
13.45 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)  
13.55 «Хусусийлаштириш: қадим-бақдад».  
14.15-15.35 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Маврид», «Корейс тилини ўрганимиз», «Ўзбекистон умумий уйимиз».  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Бинафша».  
17.45 «Билишни истаيمان».  
18.05 А. Пугачева, М. Жабнеҳий, О. Газманов, Ф. Киркоровлар иштирокдаги байрам концерти.  
19.30 CFI тақдим этади: «Бешикчи ўлов».  
19.55 «Британия қундалиги».  
20.10 «Автострада».  
20.30 «Тенгдошлар».  
21.00 «7 кун». Ҳафта ақунлари.  
21.25 «Мюзик-холл».  
22.05 «Юлдузлар фабрикаси». Премьера.  
22.40 Кинематограф. «Турт кўл ўйини». Бадий фильм.  
00.10 «Таҳлилнома».

**30-канал**

00.45 «Тунингиз оуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. «Соатлар бонг урганда». 12.00 Оилавий кино. «Самовий урушлар. Эпизод 1.Янги орзу-умид». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Аждарҳо жанги». Хажвий дастур. 17.00 «Ўз ўйини». Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Хайвоний зона». Драма. 19.45 «Ошикона». Мусиқий дастур. 20.00 «Бизда ҳамма уйда». Хажвий сериал. 20.30 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.05 «Профессионал хужжатлар». Детектив сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба кинооқшоми: «Бутилкадаги нома». Мелодрама. 24.00 Спорт шарҳи.

## 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

ОЛТИН ОЛМА,  
ДУО ОЛ

«Хос» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Уста Мавлон» чойхонасида тўкин дастурхон атрофига 200дан зиёд отахон ва онахонлар таклиф қилинди.

Бекобод туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими томонидан уюштирилган бу тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маъмуржон Тўхтасинов, Насиба Сатторова ва хушовоз хонанда Султонали Манноповлар ижросидаги дилрабо куй ва кўшиқлар тадбир иштирокчиларини мамнун этди.

Файзулла ЗИЁДУЛЛАЕВ.

## ИБРАТЛИ ИШЛАР

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Чиноз туманида боқувчиси йўқ ёлғиз қарияларга алоҳида эҳтиром кўрсатиляпти.

Бу йил 44 нафар боқувчиси йўқ кексалар рўйхатга олинди, улардан 14 киши тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди ва дардларига даво топдилар.

Уч нафар ёлғиз нуроний соғлиги талаб даражасида эмаслиги туфайли стационарларда соғликларини тиклаб қайтдилар. Туманда яна ўн нафар ногирон кексалар доимий назоратда туришади. Улар ҳолидан доимо маҳалла аҳли, ҳокимлик мутасаддилари хабардор бўлиб турадилар. Яқинда уларга ногиронлар аравачаси берилди. Уларнинг барига тиббиёт ходимлари бириктирилган. Шунингдек, доимо бепул озик-

овқат маҳсулотлари билан таъминландилар.

— Шу кунга қадар кексаларимиз турмушини енгилаштириш учун 14 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфланди, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Равшан Норбўтаев. — 44 нафар кексамиз коммунал тўловлардан озод қилинган.

Кексаларда кўпинча бетоблик ҳоллари кузатилади. Шунинг учун ҳам марказий шифохонамиз уларни доимо назоратга олиб, мавсумий муолажалар ўтказиб келишмоқда.

Равшан РУСТАМОВ.

ШИФОХОНАДА  
БЎЛИШДИ

Вилоят марказий шифохонасида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбир ўтказилди.

Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали «Қизил Ярим Ой» халқаро хайрия жамияти вилоят кенгаши ҳамда мазкур тиббий муассаса жамоаси билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда шифохонада даволанаётган отахон ва онахонларни жамлаб, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам, қилинаётган муолажалар кўлами ва самараси ҳақида суҳбатлашилди. Кекса беморлар учун бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишилди. Ташкилотчилар олиб келган совға-саломлар топширилган, концерт дастури намойиш этилди.

Фарида КОМИЛОВА,  
Саломатлик институти Тошкент  
вилояти филиали услубиётчи-  
шифокори.

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ


Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги Адлия бошқармаси куйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

## 1. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун —

Янгийўл туманида 1 та ўрин;  
Янгийўл шаҳрида 1 та ўрин;  
Ангрен шаҳрида  
(Янгиобод нотариал округига) 1 та ўрин.

## 2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозими учун —

Бекобод шаҳрида 1 та ўрин.



Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

ОИЛАЛАРГА  
МУРУВВАТ

Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар кўмитаси бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, яқинда «8 март» санаторийси билан ҳамкорликда шаҳар маҳаллаларидаги 50 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатилиб, кундалик эҳтиёж моллари совға қилинди.

Москва шаҳридаги йирик нуфузли рестороанлар тармоғига ўзбекча, русча, европача таомлар ҳозирлай биладиган, иссиқ ва совуқ таомлар тайёрловчи  
**ОШПАЗЛАР  
КЕРАК.**

Соҳада камида 3 йил ишлаган мутахассислар таклиф этилади.  
Қизикқанлар Москвадаги  
(095) 247-10-77 ёки 245-51-35  
(қўшимча 147, 158)  
телефонлари бўйича  
маълумот олишлари мумкин.

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ  
46-СОНЛИ ОЛИМКЕНТ АКЦИЯДОРЛИК АВТОКОРХОНАСИ

Маълумот тартиб рақами — 05

Қимматли қоғозлар тури: номи оддий ва имтиёзли акциялар.

Дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган сана: 2002 йил 15 май.

Дивидендларни тўлаш муддати: 2002 йил 15 майдан.

Дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилган эмитент органи: акциядорлар умумий йиғилиши.

Бир (оддий, имтиёзли) акцияга нисбатан ҳисобланаётган йиллик дивиденд ҳажми: 10 сўм ёки номиналнинг 5 фоизи.

Акцияларнинг умумий сони: 36700 дона.

Жумладан, нақдсиз оддий — 35144 дона ва имтиёзли — 1556 дона.

Дивидендлар пул маблағлари шаклида тўланади.

Маълумот тартиб рақами — 07.

Реестрни ёпиш санаси — 2002 йил 15 апрель.

Кузатув кенгашининг қарори — 2002 йил 10 апрель.

Маълумот тартиб рақами — 09.

Умумий йиғилиш қарори: 2001 йил якунлари бўйича умумий йиғилиш. Ўтказиш шакли: очик. Ўтказиш санаси: 2002 йил 15 май. Ўтказиш жойи: Олимкент кўрғони, К. Мавлонов кўчаси, 2. 46-сонли Олимкент акциядорлик автокорхонаси.

Умумий йиғилишда акциядорлар иштироки — 75,8 фоиз. Баённома тузилган сана: 2002 йил 15 май.


## Кўрилган масалалар ва овоз бериш.

1. Бошқарув раисининг хўжалик-молиявий фаолият ва йиллик ҳисоботи. Қоникарли деб топилди.
2. Йиллик баланс ва аудиторлик текшируви. 99,8 фоиз овоз билан тасдиқланди.
3. Фойда тақсмоти ва дивидендларни тасдиқлаш. 99,2 фоиз овоз билан тасдиқланди.
4. 2002 йил учун умумий бизнес-режани тасдиқлаш. 99,0 фоиз овоз билан тасдиқланди.
5. 2002 йил мобайнида молиявий хўжалик фаолиятни текширувчи «Savob-Aq» аудиторлик фирмасини (Молия вазирлигининг 44-сонли лицензияси) тасдиқлаш.
6. Уставга Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига аниқлик киритиш бўйича ўзгартириш.
7. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш. 99,9 фоиз овоз билан тасдиқланди.
8. Жамият тафтиш комиссиясининг 2001 йилдаги фаолияти қоникарли деб топилсин ва 2001 йилдаги фаолият ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин. 99,5 фоиз овоз билан тасдиқланди.

# XХI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar



## ТОКИОГА ЕТИБ КЕЛДИ

Японияда сўнги эллик йиллик давр мобайнида энг кучли довул дея таъриф этилаётган "Хиго" аҳолини анча саросимага солиб қўйди. У мамлакат пойтахти - Токиогача етиб келди.

Октябрь ойининг илк кунларидаёқ Токионинг ғарбий қисмини довул ўз домига тортди. Пойтахт яқинида жойлашган Чоба шаҳрида бир киши ҳалок бўлди. Йокогамада эса бинолар вайрон бўлди. У ерда ҳам қурбонлар бор.

Аниқланишича, офат натижасида йигирмага яқин одам жиддий жароҳатланган. Шаҳардаги айрим бинолар ва электр алоқаси қисман ишдан чиқди. Довулнинг тезлиги соатига 190 километрни ташкил этмоқда. Иқлимшуносларнинг таъкидлашича, ҳозир довул шимол томон йўл олган. Яқин кунларда у Россияга қарашли Сахалин ва Курил ороллариغا етиб боради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Хиго" туфайли Япониядаги ортиқча ёгингарчилик миқдори 200 миллиметр кўп бўлиши мумкин. Темир йўл ва ҳаво транспорти фаолиятида узилиш юз бериши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

## «ЛИЛИ» ДОВУЛИ ВАҲИМАСИ

Японияга "Хиго" довули таҳдид солаётган бўлса, Америка қитъаси "Лили" довулидан ваҳимада. Хабарларга қараганда, "Лили" Мексика бўғозидан даҳшатли тезлик билан АҚШ томон бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, довул талафотлари, айниқса, Луизиана ва Техас штатларига катта зарар келтириши мумкин. Ҳозиргача бу ердан ярим миллиондан ортиқ одам хавфсиз худудларга кўчирилди.

Тропик довулнинг тезлиги соатига 217 километрга етади. У беш устунлик Саф-фир-Симпсон ўлчови бўйича тўртинчи даражани эгаллайди. Одамларни қўрқувга солаётгани ҳам шу.

Ҳозир бу офат яқинлашаётган штатларда корхоналар ёпилган. Нефть-газ саноати маркази бўлмиш Техасда муассасалар ишламаяпти. НАСА эса Хюстондан учирлиши лозим бўлган "Атлантис" фазо кемасининг парвозини ортга суришга мажбур бўлди.

Шунга ўхшаш воқеа АҚШда 1957 йили кузатилган эди. Ушанда "Одри" довули туфайли Луизиана штатида 390 киши ҳалок бўлган. Ҳозир одамлар ўша довулни эслаб, уйлари тезроқ тарк этишга шошилмоқда. Кўшни Куба "Лили" келтирган зарардан ҳали ўзини ўнглаб ололмагани ваҳимани яна ҳам кучайтирапти.

## «ЖОЛА» - «ТИТАНИК»НИНГ ТАҚДИРДОШИ

Гамбия соҳилларида катта фожеа юз берди. Сенегалнинг "Жола" йўловчи кемаси ҳалокатга учраб, минга яқин киши фарқ бўлди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган дастлабки хабарларда айтилишича, 550 кишига мўлжалланган кемада саккиз юзга яқин одам бўлган. Шулардан етмишга яқини кутқариб олинган. "Жола" мамлакатнинг Зигиншор вилоятидан пойтахт Дакарга қараб сузаётган эди.

Кейинроқ ҳукумат ушбу фожеа юзасидан расмий маълумот тарқатди. Унда айтилишича, кемада мўлжалдан икки баробар кўп одам бўлган экан. Чунки, аввалига кема экипажи ва йўлда чиққан яна икки юзга яқин йўловчи ҳисобга олинмаган. Ҳозиргача 350 кишининг жасади топилди. Омон қолганларнинг гувоҳлик беришича, кема ағдарилиб кетгандан кейин ҳам икки соатча сув юзасида қалқиб турган.

Бу вақтда кутқарувчилар 32 кишини кема тубидан олиб чиқишга улгурган. Лекин бу вақтда йўловчилар, ҳатто кутқарув воситаларидан фойдаланиш учун ҳам имкони топа олмаган.

Уз тарихида бундай катта денгиз фожеасини илк бор кўраётган Сенегал ҳукумати уч кунлик мотам эълон қилди. Президент Абдулҳай Ваъдининг маълум қилишича, ҳукумат ҳалокат сабабларини аниқлаш учун барча чораларни куради. Дастлабки маълумотларга қараганда, фожеага кемага белгиланганидан кўп одам олингани ва об-ҳавонинг ёмонлиги сабаб бўлган. Ҳукумат вакиллари кеманинг двигатели носозлиги ҳақидаги гап-сузлар асоссиз эканини айтмоқда. Чунки, "Жола" икки ҳафта аввал таъмирдан чиққан экан.

## ҚАРЗДОР МАМЛАКАТЛАР СУКУТДА

Сўнги пайтларда Жанубий Америка қитъасидаги иқтисодий танглик Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) маблағ ажратиш сиёсатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ташкилот эълон қилган ҳисоботда айтилишича, келгусида ёрдам сўраб мурожаат қилувчи мамлакатларга бериладиган пул чекланади.

Аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, жаҳондаги энг йирик молиявий ташкилот бўлмиш ХВЖ қарздор давлатлар билан алоқани узишгача бориши мумкин. Сир эмаски, жамғарма деярли барча ривожланган давлатлар иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли аксарият давлат раҳбарлари мазкур ташкилот билан муносабатларга совуқлик оралашидан қочади.

Бироқ, ХВЖдан узоқ муддатли кредит олиб ханузгача қайтармаган мамлакатларнинг аҳволи энди ёмонлашиши мумкин. Чунки сўнги йигирма йил ичда қарз олиб қайтармаган давлатлар анча кўпайган. Масалан, Филиппин 1967 йилдан буён қарзини қайтаргани йўқ.

## БМТНИНГ ЭНГ КЕНЖА АЪЗОСИ

Кунни кеча Шарқий Тимор БМТнинг 191 аъзосига айланди. Шу муносабат билан мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Шарқий Тимор президенти Шанана Гужмау ва халқаро ҳамжамият вакиллари иштирок этди. БМТ биноси қаршисида Шарқий Тиморнинг қора, сариқ ва қизил ранглар акс этган байроғи ҳилпирай бошлади.

Шарқий Тиморнинг ҳудуди - 14,9 минг квадрат километр. Аҳоли сони бир миллионга яқин. Пойтахти - Дили. Мамлакат дунёдаги энг қашшоқ давлатлар қаторида туради.

Шарқий Тимор кейинги 30 йил давомида бошқа давлатларга қарам бўлиб келди. У дастлаб португалияликлар назоратида бўлди. Улар оролдан кетгач, бу ҳудудга Индонезия эга чиқди. Бироқ орол аҳлининг эркинликка умиди, интилиши ҳеч қачон сўнган эмас.


1999 йилга келиб бу ерда умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Ушанда Шарқий Тимор фуқароларининг аксарияти мустақиллик тарафдори эканини билдирди. Бироқ бу вақтда

мамлакатда парокандалик ҳукм сурар эди. Шу боис у вақтинча БМТ кузатуви остига олинди.

Шарқий Тиморнинг мустақил давлатга айланиб кета олишига кўпчилик ишонқирамай қарарди. Лекин оролнинг табиий захираларга сероблиги, табиати сайёҳлар учун жозибали экани ҳисобга олинмаган бўлса, истиқболда бу юрт гуллаб-яшнашига шубҳа қолмайди. Орол соҳилларида катта нефть захиралари борлиги аниқланган. Бу ҳам тиморликлар учун фаровонлик гарови бўлиши турган гап. Мазкур маросимда Бош котиб Кофи Аннан ҳам тез орада мамлакат иқтисодиёти оёққа туриб олишига ишонч билдиргани бежиз эмас.

1999 йилги референдумда аҳолининг аксарияти мустақил давлат қуриш тарафдори эканлигини билдирганига қарамай, мамлакат жорий йилнинг май ойидагина ўз истиқлолини расман эълон қилди. Мана, орадан тўрт ой ўтиб, мамлакат жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли сиёсий ташкилоти - БМТга аъзо бўлди. Энди Шарқий Тимор ҳам бошқа давлатлар қаторида минтақа ва дунё муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамжамият билан кенг ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қила бошлайди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,  
ЎзА шарҳловчиси.



Венециянинг канал-кўчалари.

## РОБОТ ИНКАССАТОР

Япон олимлари яна бир мўъжиза яратишга қўл урди. Бу гал робот инкассатор яратилди. Энди у истиқболда банк қўриқчиларини ишдан, ўғирларни эса текин ўлжадан маҳрум қилиши мумкин. Хавфсизлик тизимида фаолият кўрсатаётган "Секом" компанияси мутахассисларининг маълум қилишича, механик инкассатор моддий бойликни ёлғиз ташиши ва жиноятчилардан ҳимоя қилиши мумкин.

Юзаки қараганда робот занжир оёқли катта металл қутига ўхшайди. Бу мўъжизавий техниканинг баландлиги 140, узунлиги 120, эни 87 сантиметр, оғирлиги эса 380 килограмм келади. Робот текис йўлдан одам тезлигида ҳаракат қилади, зинадан ҳам юради. Машинага қимматбаҳо буюмлар ёки пул сақлаш учун кўплаб сенсорлар билан жиҳозланган махсус идиш жойлаштирилган. Сенсорлар унга атрофни идрок этиш ва ҳўжайин - одам инкассаторнинг орқасидан эргашшига ёрдам беради. Бунинг учун машинада митти телекамера жойлаштирилган. У ҳўжайиннинг юзини эсда сақлаб қолади. Робот ҳўжайиндан секинроқ юришни сўраши ва етиб олиш учун тезлигини ошириши мумкин.

Инкассаторлик - хавфли касб. Ҳўш, роботга жиноятчилар ҳужум қилса-чи? Бунинг ҳам чораси кўрилган. Машина бундай ҳолатда ҳимоя чораларини кўра бошлайди. Масалан, ҳужум қилган одамнинг юзига дастлаб тутун пурайди. Шунда ҳам талончи кетмаса, устига тўр ташлайди ва кучли электр токи билан қарахт қилиб қўяди.

"Секом" компанияси учун робот инкассатор яратиш бир неча юз минг долларга тушди. Ҳозир янги техника сўнги синовдан ўтмоқда. Синов муваффақиятли яқунланса, машина янада такомиллаштирилиб, ялпи ишлаб чиқаришга йўл олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инкассатор роботлар келаси йилданок соғувага чиқарилиши

мумкин.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

**Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида биринчи Тошкент халқаро болалар расмлари танлови яқунланди.**

Бу танловнинг максоди бадий ижодиётни янада ривожлантириш, Ўзбекистон болаларининг бошқа мамлакатлардаги тенгдошлари билан халқаро мулоқотини ўрнатишга қўмаклашидир. Шунингдек, танлов ёш истеъодларни аниқлаш, давлатимиз ёш фуқароларида тарихга, мамлакатимизнинг маънавий меросига, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнига қизиқишини оширишга қаратилган.

Таклиф этилган "Онажоним ва мен" мавзусидаги танловга дунёнинг 26 та давлатидан 3 мингдан ортиқ расм келиб тушди. Хайъат қарорига кўра мазкур халқаро танлов гран-присига ҳамюртимиз тошкентлик 13 ёшли Мадина Содиқова лойиқ деб топилди. Япониялик Юка Вакабаши (8 ёш), мисрлик Али Пасанте (12 ёш), ҳиндистонлик Аникет Саеваде (13 ёш) расмлари учта ёшлар гуруҳи бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ.**

Катта кўча ёқасидаги мўъжазгина дарвоза шиддат билан очилиб, ундан қизча отилиб чиқди. Кун бўйи одамлар билан гавжум кўча хувиллаб қолган, аксига олиб кўшилар йўлагидagi чироқлар ҳам ўчириб қўйилган. Қизча дуч келган яқин дарвоза томон чопди. У ҳар қанча дарвозани тақиллатиб товуш қилмасин ичкаридан садо бўлмади.

Умидини узганча йўл ўртасида туриб атрофга жовдираб тикилди. Кўзи анча олисда вазмин қадам ташлаб келаётган кекса кишига тушди.

— Амаки, амакижон, ёрдам беринг, аям...

Йўловчининг қадами тезлашди. Қизчанинг сабри чидамай нотаниш киши томон югурди.

— Амакижон, аям ўлиб қолиптилар, — Наргиза ўзини тутолмай, хўнграб йиғлаб юборди.

— Уйларинг қаерда, қизим? — сўради йўловчи.

Улар уй олдида келганида боя жон ҳолатда то кўчага чиққунга қадар сув кечиб чиққанлигини фахрлади. Лом-мим демай оёқ кийимини ечаётган нотаниш кишига деди:

— Ҳовлимизга сув тошиб кирганини ҳам билмабман, аям билан овора бўлиб...

— Ҳечқиси йўқ, қизим, — деди нотаниш киши қизчани юпатган бўлиб.

Нотаниш киши каравотда бекуш ётган аёлнинг билагини ушлаб, анча муддат турди. Аёлдаги ҳаёт нишонасини сезгач, дастлаб қўлларини, сўнг оёқларини тезкорлик билан уқалай бошлади. Костюмининг ичкари

чўнтагидан аллақандай дори олиб, аёлнинг тили остига жойлаштирди. Сўнг қизчадан мулоимлик билан сўради:

— Аянг ичиб юрадиган дори-дармонлари бормиди?

## РАҲМАТ СИЗГА, АМАКИЖОН!

Наргиза худди шуни кутиб тургандек, чоғроқ идишдаги дори-ларни келтирди.

— Бу ишинг яхши, қизим. Ҳозир игна билан томирдан дори юборсам, аянг тузалиб кетади.

Қизчанинг кўзларида қувонч порлади. У астойдил овоз чиқариб йиғлаб юборди.

— Ана холос. Энди кулиш ўрнига йиғлаясан-ку.

— Амакижон, мен қувонганимдан йиғлаяпман, — деди қизча хикиллаб.

Аёл дармонсиз кўзларини оча бошлаганида, нотаниш киши қизчани гапга солди:

— Аянгнинг тоби қочаётганлигини сезганинг заҳоти бошлари остига ана шундай баланд қилиб, болиш қўйгин. Акс ҳолда...

— Шундай қилдим, амаки. Аям хушларидан кетаётганларида бошларини кўтариб, болиш қўйдим, кейин кўчага чопдим.

— Хавотир ортада қолди, қизим. Мана, аянг ҳам кўзларини очди-

лар, — нотаниш киши беморга юзланди.

— Синглим, ўзингизни яхши ҳис қилаяпсизми? Дард хуружи чекинди. Қизчамни кўрқитиб юборибсиз-ку. Худо хоҳласа энди тузалиб, оёққа турасиз.

— Илоё, фарзандларингизни роҳатини кўринг, қизимнинг илтижолари ижобат бўлиб, Худойим сиздай яхши одамни йўлқитибди.

Нотаниш киши индамай ўрнидан турди. Эшикка йўналаётиб, Наргизага имо қилди:

— Қизим, энди менга кетмон топиб бер. Мухими аянгни тузатиб олдик-ку.

— Ҳа, ҳа, амакижон. Сизга минг раҳмат. Аяжонимнинг ҳаётларини қайтариб бердингиз. Энди туни билан сув кечиб юрсам ҳам майли.

Нотаниш киши кўчадан оқиб кираётган каттагина сув йўлидаги хас-хазонларни олиб ташлагач, сув ўз ўзини бўйлаб оқа бошлади.


Шу тобда оёқларини юваётган кишининг қўшни туманда узоқ йилларда шифокор бўлиб ишлаганлиги, ҳозирда нафақадалиги, шаҳардаги синглисини бетоб деб эшитиб, бемаҳал бўлсада, кўнгли тинчима йўлга тушганлиги, иттифоқо, қизчага рўпара келганлиги ҳеч кимга аён эмас эди.

Нотаниш киши вазмин қадам ташлаб, хонадондан узоқлашаркан, мўъжазгина дарвозани қия очганича Наргиза бор кучини тўллаб қичқирди:

— Раҳмат, амакижон, сизни ҳеч қачон унутмайман.  
**Лутфинисо ОДИЛОВА.**

## Bolalik bog'i

### ARMON



**Non topolmasa sichqon,  
Kemirar qog'oz, arqon,  
Bu-ku, mayliga hayvon,  
Yuragimda ko'p armon.  
Nega ba'zi insonlar,  
Zamindagi nodonlar  
Talashib molu dunyo  
Toptashib nuru-ziyo  
Bir-birila urushar,  
Odamzotni qirishar.**

**Abdusamat YUNUSOV.**

## Бекажон

### «МУРАББОЛИ» ПЕЧЕНЬЕ

2 дона тухум, 1,5 стакан шакар, 200 г маргарин ва 100 г сариеғ билан яхшилаб аралаштирилиб, 2 стакан сметана ва 3,5 стакан ун солинади ва ҳамир қорилади. Кичикроқ бўлак ҳамир кесиб олиниб, 10-15 дақиқага музлатгичга қўйлади. Қолган ҳамирни патнисга 0,5 см. қалинликда ёйиб, устига қуюқроқ мураббо ёки жем суртлади. Сўнгра унинг устига музлатгичдаги ҳамирни киргичдан ўтказиб сепаб, иссиқ духовкада 20-25 дақиқа давомида пиширилади. Совутиб ромб ёки тўртбурчак шаклидаги бўлакчаларга қирқиб, қанд упаси сепилади.

**Наргиза ҚУРБОНОВА  
тайёрлади.**

## Sport

### ЮРТДОШЛАРИМИЗ КУЧЛИ ЕТТИЛИКДА

14th Asian  
Games  
BUSAN 2002

Ўзбекистонлик спортчилар Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, олтин, кумуш, бронза медаллари шодасини тобора бойитмоқдалар.

Велопойгачимиз Сергей Крушевский биринчи кунги пойгадаёқ терма жамоамизга бронза медалини олиб берган эди. 169,4 километр масофага ўтказилган навбатдаги пойгада эса, барча рақибларини орта қолдириб, жамоамиз жамгармасига дастлабки олтин медални келтирди.

Академик эштак эшувчиларимиз ҳам кўпнинг сонли мухлислар ишончини оқлашмоқда. Тўрт кишилик қайиқда эштак эшиш бўйича эркаклар баҳсида ҳамюртларимиз иккинчи натижа кўрсатиб, кумуш медални қўлга киритдилар. Аёллар эса, терма жамоамизга бронза медалини ҳада этдилар. Икки кишилик қайиқда мусобақалашган Севара Фаниева ва Анна Кузнецова жуфтлиги ҳам кумуш медал соҳиби бўлди. Саккизлик қайиқда эштак эшиш баҳсида қатнашган ҳамюртларимиз марра чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтиб, бронза медалига эга бўлдилар.

Пусандан курашчиларимиз ҳам эришяётган ютуқлар ҳақида хушxabарлар кела бошлади. Жумладан, дзюдочиларимиздан Фарход Тўраев ҳамда Вячеслав Перетейко Осиё ўйинлари совриндорли бўлишди ва умумий



жамгармага иккита бронза медалини қўшишди.

Футбол ишқибозларига маълумки, мамлакатимиз вакиллари ўз гуруҳларида биринчи ўйинни Бахрайнга 3:0 ҳисобида бой бериб, Фаластин жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Япониялик футболчилар икки учрашувда ҳам ғалаба қозониб, гуруҳ пешқадамига айландилар. Бугун эса ҳамюртларимиз айнан японларга қарши майдонга тушадилар. Айтиш жоизки, ҳатто, ғалаба ҳам уларга кейинги босқичга чиқиш имкониятини бермаслиги мумкин. Чунки, Бахрайн фаластинликларни енгса, гуруҳ

ғолиби бўлади.

Хуллас, Осиё ўйинлари мусобақалари кескин тус олмақда. Ҳозирча, энг кўп медал тўплаган Хитой терма жамоаси пешқадамлик қилапти. Ўзбекистонлик спортчилар эса, кечаги кунгача бўлган маълумотга кўра битта олтин, тўртта кумуш ва олти бронза медали билан еттинчи ўринда бормоқда.

**СУРАТДА:** тўрт кишилик қайиқда эштак эшиш мусобақасида кумуш медални қўлга киритган юртдошларимиз.

**Анвар ИЛЁСОВ  
(Жаҳон АА) олган сурат.**

## Sport

### МАЙДОНДА- СПОРТ ФАХРИЙЛАРИ

Касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши «Қарияларни кадрлаш йили» тадбирлари доирасида спорт фохрийлари спартакиадасини ўтказди. Чирчиқ шаҳрининг «Олмос» спорт клуби ўйингоҳида 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган спортчилар ўзаро куч синашишди.

Мусобақаларнинг шаҳар ва туман босқичи ғолибларидан 200 дан ортиқ киши спортнинг олти тури бўйича шахсий ва жамоа биринчилиги учун беллашиб, чаққонлик, ирода ва маҳорат синовидан ўтди.

Шахмат, стол тенниси ва қўл кураши бўйича Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгар», мини футбол ва дартс бўйича «Олмос» спорт клубларининг вакиллари, энгил атлетика бўйича Янгийўл жамоаси ғолиб чиқди. Шахсий биринчиликда ғолиблик шохсупасига энг кўп марта «Кимёгар» спорт клуби вакиллари кўтарилишди. Чунончи, биринчи ўринларни шахмат бўйича эркаклар ўртасида А.Дрогомержский, аёллар ўртасида К.Загребельная, стол тенниси бўйича аёллар ўртасида Э.Пишу, қўл кураши бўйича Е.Назаров эгаллашди.

**Ю.ЖУМАНИЁЗОВ.**

Кулланга  
НИМА  
ЕТСИН!

Автобус йўловчиларга лиқ тўла. Салоннинг орқа тарафидан битта йўловчи эшитилар-эшитилмас пичирлабди: — Ким 50 доллар пулини йўқотди?...

Автобусдагилар ён-верига қарашар, лекин ҳеч ким индамасмиш. Ҳалиги киши баландроқ овозда яна саволини қайтарибди:

— Охириги марта сўраяпман! Ким 50 долларлик пулини йўқотди?!

— Мен йўқотдим! — дебди кондуктор чидай олмай. — Нима эди?

— Йўқотган бўлсанг, нега қаққайиб турибсан, қидир тезроқ! — дебди орқадаги ўша йўловчи.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан «Саноат кабел системалари» МЧЖ

### БАНКРОТ

деб эътироф этилди. Даъволар икки ой муддат ичида Юнусобод туман ДСИ томонидан қабул қилинади.

ТОШКЕНТ HAQIQATI  
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.